O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил 1 март ШАНБА

№ 17 (12.028)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

www.th.uz

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## «ЁШЛАР ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Ёшларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги етилган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш, узлуксиз таълим тизимида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, реал иқтисодиётда ва мамлакат ҳаёт фаолияти соҳаларида таълим муассасалари томонидан тайёрланадиган мутахассисларга бўлган талабни таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2008 йилнинг "Ёшлар йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи "Ёшлар йили" Давлат дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

ёшларнинг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ҳуқуқий базани такомиллаштириш ҳамда мустаҳкамлаш, амалдаги қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

таълим жараёнини унинг узлуксизлиги ва давомийлиги нуқтаи назаридан янада такомиллаштириш, 9-синф битирувчиларининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасаларида ёшлардан муносиб равишда фойдаланиш ва жамиятда ўз ўрнига эга бўлишини кафолатлайдиган, реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида талаб қилинаётган йўналишлар ва ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлашни ташкил қилиш;

ишга тушириладиган умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни қуриш ва реконструкция қилиш сифатини ошириш, уларни муҳандислик коммуникацияларига ўз вақтида ҳамда тўлиқ улаш, мебель, замонавий ўқув-лаборатория ускуналари ва техникавий таълим воситалари билан жиҳозлаш, таълим соҳасида қабул қилинган давлат умуммиллий дастурларининг сўзсиз ва сифатли бажарилиши юзасидан буюртмачилар ва пудратчиларнинг масъулиятини кучайтириш;

таълим ва кадрлар тайёрлаш бутун тизими даражаси ҳамда сифатини тубдан ошириш, мактаблар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий ўқув муассасаларидаги таълим стандартлари ва ўқув дастурларини замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда танқидий таҳлил қилиш ҳамда янгилаш, педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этишни такомиллаштириш;

ёш авлодни ҳаётга қатъий эътиқод ва қарашлар руҳида, менталитетимизга ёт бўлган зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш;

олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларининг, шунингдек, муддатли ҳарбий хизматни тугатган ёшларнинг, айниқса, кичик шаҳарлар ва қишлоқларда ишга жойлашиши билан боғлиқ масалалар бутун комплексини ҳал этиш;

мусиқа, рассомлик, санъат ва маданият соҳаларида болаларнинг ижодий таланти ва қобилиятларини барвақт аниқлаш ҳамда ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, мазкур масалалар билан шуғулланувчи жамоат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда шахсларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, ОИТС, гиёҳвандлик, кашандалик ва бошқа зарарли одатларга қарши кураш бўйича профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ёшлар спортини оммавий ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший турмуш шароитларини яратиш, уй-жойини ободонлаштириш учун зарур маблағлар ва кредитлар бериш, маънавий бой ва жисмонан соғлом болаларни тарбиялаш чора-тадбирларининг самарали тизимини амалга ошириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 декабрдаги Ф-2892-сон фармойишига мувофиқ ташкил этилган Республика комиссияси зиммасига "Ёшлар йили" Давлат дастури бажарилишини ташкил этиш ва мониторингини олиб бориш вазифаси юклансин.

Республика комиссияси аъзоларидан 2-иловага мувофиқ таркибда "Ёшлар йили" Давлат дастурининг асосий бўлимларини амалга ошириш Кенгаши тузилсин.

3. "Ёшлар йили" Давлат дастурини амалга ошириш Республика комиссияси ва Кенгаши (Ш. М. Мирзиёев):

вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, жамоат ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар бир вазирлик ва идора, минтақа, шаҳар, туман ва аҳоли пункти бўйича икки ҳафта муддатда "Ёшлар йили" ҳудудий ва тармоқ дастурлари ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишини таъминласин;

ушбу Дастурнинг бўлимлари ва бандларини тўлиқ бажариш бўйича ишларнинг давлат бошқаруви республика ҳамда ҳудудий органлари, жамоат ва ноҳукумат ташкилотлари даражасида мувофиқлаштирилишини ташкил этсин, Дастурга киритилган тадбирларнинг бажарилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига йилнинг ҳар чораги якунлари бўйича "Ёшлар йили" Давлат дастурида тасдиқланган тадбирларнинг бажарилиши тўғрисида ахборот тақдим этиб турсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туманлар (шаҳарлар)да Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси ва тегишли ҳудудлар ҳокимлари бошчилигида, уларнинг зиммасига Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг сўзсиз ва тўлиқ амалга оширилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юкланган ҳолда, Дастурни амалга ошириш бўйича тегишли комиссиялар ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, оммавий ахборот воситалари "Ёшлар йили" Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари кенг кўламда тушунтирилишини, унинг амалга оширилишини, ёшлар ҳуқуқлари манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантириш ҳамда реал иқтисодиёт тармоқларида талаб этилаётган аниқ касб-ҳунарни эгаллаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларнинг жамиятда муносиб ўринни эгаллаб, республикани ривожлантиришда ҳал қилувчи куч бўлиб қоладиган, ўз мамлакатининг тўла ҳуқуқли фуқаролари сифатида камол топтириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда республика ва маҳаллий бошқарув органлари, жамоат ҳамда ноҳукумат тузилмаларининг аниқ ҳиссаси мунтазам ёритиб борилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ.**
Тошкент шаҳри, 2008 йил 29 февраль.



Наврўз шукуҳи

## КЎЧАТ ЭК, БОҒ ЯРАТ...

Интиқ диллар эркаси – гўзал Баҳор! Сенинг қутлуғ қадамларинг билан елкадан тоғлар тушди, қорлар эриди. Қиш қаҳридан музлаган кўнгиллар юмшади. Она табиатнинг чеҳраси ёришди, унинг юзидаги оқликни чақалоғини бағрига босган онага ўхшатгим келди: аёзлардан, изғиринлардан асраб, авайлаб кўкламга, ёруғ кунларга етказган фарзанди – Баҳорининг ҳаётбахш нафаси олам кезмоқда. Гўё борлиқ уйғониб, Наврўздан дарак бермоқда. Кунлар илиб, Ер бағридан кўтарилаётган ҳовур бор ғубору диққинафасликни олиб кетгандек... Она замини, азиз даласини бир зум унутмаган Бободеҳқон билагига ўзинг куч-қувват ато эт, Она табиат...

Зеро, унинг қадоқ қўллари билан яратилган ризқ-рўзимиз баракотли бўлғай. Вилоятимиз деҳқонлари етиштирган юксак пахта хирмони халқимиз фаровонлиги йўлидаги заҳматли меҳнатлар самарасидир. Бу йилги режалар эса бунданда салмоқли. Биргина озиқ-овқат маҳсулотларидан 175 минг тонна картошка, 880 минг тонна сабзавот, 81,2 минг тонна мева, 109,8 минг тонна узум етиштиришни мўлжаллаган асл деҳқонлар учун илиқ-иссиқ кунларнинг бошланиши айни муддао бўлди.

Баҳорнинг илк кунлариданоқ бошланадиган ободончилик, кўкаламзорлаштириш, экин-тикин ишлари халқимизнинг азалий қадриятларидан бири. Ҳар бир инсон ўз ошиёни, боғ-роғини тартибга келтиришга, битта бўлса ҳам дарахт экиш, гулу гулзорлар яратишга ҳаракат қилади.

Бундай яратувчилик ишларида вилоятимиз аҳолиси ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Ердан қор кетиши билан барча туман, шаҳар, қишлоқ, овул ва маҳаллаларда ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишлари бошланиб кетди. Экиш учун зарур бўлган мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари, турфа гул кўчатларини етказиб бераётган вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, «Угом-Чотқол» давлат табиат миллий боғи, «Мева-шарбат» боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш корпорацияси, Тошкент, Бекобод, Далварзин ва Охунбобоев номли ўрмон хўжаликларида айниқса иш қизғин. Бу йил вилоятимиз ҳудудларида 2 минг 200 дан ортиқ мевали, манзарали дарахт кўчатлари экиш мўлжалланмоқда.

Ёшлар йилининг Баҳори, Наврўзи ҳам – яшиллик, гўзаллик, жўшқинликка бой бўлиши, ҳар бир ёш ўз ниҳоли, ўз гули, чаманзорини астойдил парваришлаб, юртимиз чиройига чирой қўшиши шубҳасиз.

Ҳар йили кўкламда ўтказиладиган анъанавий Умумреспублика экологик ҳашарида вилоятимизнинг барча корхоналари, муассаса ва ташкилотлари ходимлари фаол иштирок этмоқда. «Экология ва саломатлик кунлари»нинг Наврўз байрами ҳамда «Ёшлар йили» дастури ижросини таъминлашга бағишланган бу тадбирида аҳолининг яшаш жойлари ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳудудларини баҳорги тозалаш, ободонлаштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, саноат ускуналарининг техник ҳолатини яхшилаш ва бошқа профилактик ишлар амалга оширилади.

Эътиборлиси, экологик ҳашардан тушган маблағ (жамоа қарорига асосан) вилоятдаги ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилаларга, боқувчисини йўқотган болаларга, кексаларга меҳр-мурувват ёрдами сифатида ўтказилади.

### КЎКЛАМОЙ

*Димоққа урилди бир хушбўй ислар,*
*Дилни қитиқлади ёқимли ҳислар,*
*Бойчечакни интиқ нигоҳим излар,*
*Фалакда чақмоқда чақин, Кўкламой,*
*Сен билан орамиз яқин, Кўкламой.*

*Мунис қалдирғочга айтгин, шошилсин,*
*Турналар қийқириб уйқум қочирсин,*
*Қушлар навосидан гуллар очилсин,*
*Кўксингга бинафша таққин, Кўкламой,*
*Сен билан орамиз яқин, Кўкламой.*

*Қарғалар шўхлиги қулоққа ёқмас,*
*Ялпизнинг йўқлиги булоққа ёқмас,*
*Чечакларинг қайси қучоққа ёқмас,*
*Ҳаяллаб қолмагин тағин, Кўкламой,*
*Сен билан орамиз яқин, Кўкламой.*

**Усмон БЕК.**

Истиқбол лойиҳалари

## ЙИРИК КОРХОНАНИНГ ҚАЙТА ТУҒИЛИШИ

**мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг фақат ўзимизга мос ва хос тамойиллари тўғри танланганлигини ва унга оғишмай амал қилинаётганлигини яна бир бор исботлади**

Дарҳақиқат, республикамизда изчил давом этаётган иқтисодий ислоҳотлар фақат ислоҳот учунгина эмас, балки халқ манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётганини эндиликда ўнлаб йирик корхоналар фаолиятида яққол кўриш мумкин. Мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутган ишлаб чиқариш корхоналарини тубдан модернизация қилиш, энг замонавий техника ва технологияларни жорий этишга қаратилган йирик дастурий чора-тадбирлар оғишмай амалга ошириб борилмоқда.

Чирчиқ шаҳридаги «Ўзбекистон ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинати» очиқ акциядорлик жамияти республикада ўз ўрни ва мавқеига эга бўлган ана шундай корхоналардан биридир. Кенг ва чуқур ислоҳотлар жараёни мамлакат халқ хўжалигида ўзига хос муҳим аҳамиятга эга бўлган бу йирик корхонани ҳам четлаб ўтгани йўқ. Яқин вақт ичида бу ерда ишлаб чиқаришни сезиларли даражада кенгайтириш ҳамда комбинатни, аввало, хом ашё базаси йўқлиги сабабли юз берган молия-иқтисодий таназзулдан олиб чиқишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган. Ана шунда корхонанинг ҳам иқтисодий, ҳам экспорт салоҳиятини ошириш имкониятлари сари кенг йўл очилади.

### МУАММОЛАРГА ЕЧИМ ИЗЛАБ

Маълумки, 1991 йилда аввалги ўзаро иқтисодий алоқалар издан чиққач, кўплаб корхоналарнинг фаолиятида жиддий муаммолар юзага келди. Жумладан, Ўзбекистон ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинатида ҳам аввалги иш мароми бузилди. Зудлик билан бирор амалий чора кўрилмаса аҳвол янада ёмонлашиши мумкин эди. Бунга йўл қўймаслик мақсадида бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишнинг комбинатдаги мавжуд аҳволи ҳисобга олинган тамойиллари ишлаб чиқилди. Унда мулк шаклини ўзгартириш, фаолият юритиб турган ишлаб чиқариш участкалари ва технологик асбоб-ускуналарни босқичма-босқич модернизация қилиш чора-тадбирлари кўзда тутилган эди.

(Давоми 2-бетда).

2008 йил – Ёшлар йили





## «ОИЛАДАН БОШЛАНУР ВАТАН»

**Тошкент тумани ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида ўтган маданий-маърифий тадбир ана шу мавзуга бағишланди.**

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, «Оила» илмий-амалий маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси вилоят бўлимлари ҳамкорлигида ташкил этилган бу тадбирда шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари, хотин-қизлар қўмиталари раислари, ФҲДЁ бўлимлари мудиралари, ёшлар ташкилоти бўлимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди. Шунингдек, Янгийўл ва Чирчиқ шаҳарлари, Бўстонлиқ, Қибрай, Тошкент, Зангиота ҳамда Янгийўл туманларидан ёш оилалар, иқтидорли ўқувчи-ёшлар таклиф этилди.

Тадбирда оила мўътабар даргоҳ эканлиги, уни ҳар жиҳатдан асраб-авайлаш, қолаверса, маънавий соғлом оила муҳитини яратиш ҳар бир ёшнинг муқаддас бурчи эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Ёш оилаларга белгиланган имтиёзли шартлар асосида ипотека, истеъмол ҳамда микрокредитларни олиш тартиби ва улардан самарали фойдаланиш йўл-йўриқлари хусусида батафсил маълумот берилди.

– Мазкур тадбир, – деди Янгийўл шаҳридан ташриф буюрган ёш оила вакили Дилшод Мамарасулов, – эркин мулоқот ҳамда бадиий жиҳатдан қизиқарли ташкил этилганлиги билан бизни қувонтирди.

Тадбир иштирокчилари ўзларини қизиқтирган барча саволларга етарлича жавоб олдилар. Ўйлаймизки, бу каби учрашувлар тез-тез ўтказилиб, ёш оилалар ҳаётда муносиб ўрин эгаллашларига, жамиятнинг муҳим таянчи бўлиб қолишларига хизмат қилади.

Маънавий-маърифий тадбир давомида «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси вилоят бўлими ҳамда коллежнинг «Фонус» рақс ансамбли ижодкорларининг концерт дастури намойиш этилди.

Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Акбарова иштирок этди.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** маънавий-маърифий тадбирдан лавҳалар.

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

## МАҚСАД – СОҲАДА ТАРТИБ ЎРНАТИШ

**ВИЛОЯТ ҳудудида шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил қилиш ва очиқ тендердан ўтказиш вилоят комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.**

Унда тендер муддати тугаган йўналишларни қайта танловга қўйиш, ноқонуний, ҳеч қандай ҳужжатсиз йўловчи ташиётган транспорт воситаларини тартибга келтириш, соҳадаги нақд пул тушумини мақбуллаштириш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Кўрилган масалалар бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

**Равшан РУСТАМОВ.**

## МАКТАБ ТАРИХИ МУЗЕЙИ

**ҚИБРАЙ туманидаги 14-ўрта умумтаълим мактабида тарих музейи ташкил этилди.**

Алоҳида бўлимдан қишлоқ зиёлиларининг ибратли ишлари ҳақида ҳикоя қилувчи материаллар жой олган. Ёш ўлкашунослар тўгараги аъзоларининг қишлоқ ўтмиши ва бугунги кунига доир тўплаган қизиқарли материаллари ҳам музейга келувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

**Акбар АЛИЕВ.**

